


## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!



## МУСТАҚИЛЛИК — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА КЕНГ КўЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ЙўЛИ

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ, ислохотлар ислохот учун эмас, инсон учун, унинг бахт-саодати, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун, деган ҳаётий тамойил кундалик турмушимизда устувор аҳамият касб этгани юксак тараққиётимизда бош оми бўлди, десак муболаға эмас.

Зотан, Конституциямизда ҳам инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Айниқса, мустақиллик шарофати билан бой тарихимиз, илмий-мағаний меросимиз, дину диннамиз, миллий қадрият ва анъаналаримиз қайта тикланиб, янги мазмун-моҳият касб этди.

Эндиликда меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, бағрикенглик, ўзаро иззат-ҳурмат каби юксак инсоний фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳамоҳанг тарзда яшаш ҳаётимизнинг олтин қоридасига айланиб улгурди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда

қадимий илдиизга эга бўлган миллий давлатчилик тикланди. Ўзбек давлатчилигини янги тарихий шароитда тиклаш ва янада ривожлантиришнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий асослари яратилди ва мустаҳкамланди.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартномавий интизомни мустаҳкамлаш, тарафларнинг жавобгарлик маъсулиятини ошириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фермерлик ҳаракатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда адлия идоралари томонидан ҳам муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

### Qonun ko'magi

## Шартнома интизоми

унга қатъий риоя этиш иқтисодий барқарорликка хизмат қилади

Жумладан, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида белги-ланган режага асосан шартнома интизомига риоя этиш юзасидан бир қатор ўрганиш ва мониторинг ўтказилди. Бунинг натижасида вилоятдаги

ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган 14 096 шартноманинг қонунийлиги ўрганиб чиқилди ва 6 801 та шартнома, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш йўли билан қонуний тартибда қайта тузилиши таъминланди.

(Давоми иккинчи бетда)

Истиқлол йилларида суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланди. Бу, ўз навбатида, ҳаётда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир.

### Mas'uliyat va majburiyat

## Ҳужжатлар ижросини таъминлаш

ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилишнинг муҳим омиллидир

Айтиш жоизки, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдек маъсулиятли вазифа Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорлари-

ни ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти зиммасига юклатилган. Бу борада "Суд ҳужжатлари

ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонун муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

## Президент Ислам Каримов ШХТ саммитида иштирок этиш учун Душанбе шаҳрига жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 сентябрь кун Душанбе шаҳрига жўнаб кетди. Аввал хабар қилинганидек, давлатимиз раҳбари Тожикистон пойтахтида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг олий органи — Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

ШХТ саммитида ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш истиқболларини, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни фаоллаштириш, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини ҳамда ўзаро манфаатли бошқа мавзуларни муҳокама қилиш мўлжалланган.

Мамлакатимиз ШХТ фаолиятида 2001 йилдан —

Шанхай шаҳрида Ўзбекистон, Хитой, Россия, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари томонидан Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги декларация имзоланганидан буён иштирок этади.

Кейинчалик, 2004 ва 2005 йилларда Покистон, Эрон, Хиндистон ҳамда Мўғулистон Ташкилот ҳузурида кузатувчи давлатлар мақомини олди. 2012 йилда улар сафиغا Афғонистон ҳам қўшилди. Беларусь, Шри-Ланка ва Туркия ШХТ мулоқоти бўйича шериклар мақомига эга.

2010 йил апрель ойида ШХТнинг Тошкентда бўлиб ўтган саммитида ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида қўшма декларация имзоланди.

ЎЗА

### Qonun ijodkorligi

## Тадбиркорлар ҳуқуқини кафолатли ҳимоя қилиш йўлида

бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилмоқда

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий

ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартриш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларига инвестицияларни кенг жалб этиш ишлари ўзининг аниқ самараларини бермоқда.

Натижада, бир томондан, мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ўсиш суръатларига эришмоқда, иккинчи томондан, халқимизнинг турмуш даражаси ва сифати юксалиб, юртимиз қиёфаси тобора чирой очиб бормоқда. Бу ютуқларимиз халқро майдонда муносиб эътироф этилаётгани, эл-юртимизнинг обрў-эътибори ошаётгани ҳар биримизга катта ифтихор бағишлайди, албатта.

Президентимиз таъкидлаганидек, мустақил тараққиёт йилларида мамлака-



тимиз иқтисодиёти таҳминан 5 қарра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,7 мартага ўсгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошганининг далили жон бошига олинадиган даромаднинг 8,7 баробар кўпайгани Ўзбекистонимизнинг киска даврда кечаги, ўзини боқишга қурби етмаган республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий давлатга айланганининг яққол тасдиғидир.

(Давоми учинчи бетда)







**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Айтиш керакки, бугунги куннинг техник ва иқтисодий талабларга мос келмайдиган, ишлаб чиқариш қувватлари паст бўлган иқтисодий ночор корхоналар “Банкротлик тўғрисида”ги қонунга мувофиқ банкрот деб топилди. Бундай корхоналарни нисбатан уларни банкротлик ҳолатидан чиқариш бўйича “Йўл харитаси” деб аталадиган дастурлар, янада аниқ қилиб айтганда, банкротлик институти қўллашлари.

Ҳўш, “банкротлик институти” деганда, нима англашлари? Бу ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш орқали ёки иқтисодий ночор, паст рентабелли ва истиқболсиз хўжалик юритувчи субъектлардан иқтисодий ниҳас қилиш йўли билан иқтисодий ниҳас мустақамловчи амалдаги механизмлардан биридир.

Кенг қамровли ислохотларнинг амалдаги бошқичи бу борадаги ҳуқуқий негизни давр талабига мос ҳолда янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу маънода, яқинда Президентимизнинг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида “Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Маълумки, Президентимиз Фармонига кўра, кредиторлар томонидан киритилган маблағларни қайтариш кафолатини кучайтириш мақсадида корхона банкрот деб эътироф этилганда кредиторларнинг талабларини қондириш навбатининг тартибига ўзгартириш киритиш орқали бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги талаблар ва кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талабларини мутаносиб равишда қондириш кўзда тутилган.

Бу борадаги миллий қонунчилик таҳлили тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш мақсадида амалдаги қонунга мазкур нормани киритиш зарурати борлигини кўрсатмоқда. Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ишбилармонлик — бизнес юритиш учун амалий қўлай шароит тўғрида бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодий ниҳас этишининг навбатдаги энг муҳим йўналишига айланган.

маган кредиторларнинг кафолатларини янада кучайтириш мақсадида киритилган бу ўзгартишлар уларнинг талабларини бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар, мажбурий сугурта, банкларнинг кредитлари ва банк кредитлари сугуртаси бўйича талаблар билан мутаносиб равишда иккинчи навбатда қондирилишини таъминлашга имкон беради. Ваҳоланки, амалдаги қонунчиликда кредиторларнинг бундай талаблари ҳозирча фақат тўртинчи навбатда таъминланиши белги-ланган.

қонунга тақлиф этилаётган қўшимча гаровдаги мол-мулк нархи гаров билан таъминланган кредиторларнинг талабларидан ортик бўлса, юзага келган фарқ ушбу мулкни қабул қилаётган кредитор томонидан гаров билан таъминланмаган кредиторларнинг талабларини қоплаб берилишини кўзда тутмоқда.

Шунингдек, қонуннинг 134-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритилаётгани сабабли 142-моддани чиқариб ташлаш тақлиф этилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки 134-моддада савдоларда сотилмаган

Шу сабабли қонундан 142-моддани чиқариб ташлаш ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Энг муҳими, қонуннинг 134 ва 183-моддаларига киритилаётган ўзгартиришлар туфайли иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутовчи тўловлар биринчи навбатда қондирилиши таъминланади. Табиийки, бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзига хос кафолатидир.

Қонуннинг 134-моддасига бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги талаблар билан кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талабларини мутаносиб равишда қондиришни кўзда тутовчи ўзгартиришлар киритилаётгани ҳамда 142-моддани чиқариб ташлаш тақлиф этилаётгани муносабати билан қонуннинг 103, 142 ва 143-моддаларига таҳририй тўзатишлар киритилмоқда.

Хорижий мамлакатларнинг банкротлик тўғрисидаги қонунчилиги тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатдики, бир қатор давлатларда мажбурий тўловлардан бўлган талабларни қондириш учинчи, тўртинчи ва саккинчи навбатларда амалга оширилган экан. Жумладан, мажбурий тўловлардан бўлган талабларни қондириш АҚШда — саккинчи навбатда, Германияда — тўртинчи навбатда амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қонун лойиҳаси иқтисодий ислохотларни қучурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун янада қўлай шароитлар яратишга қаратилгандир. Бинобарин, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишни кучайтириш ҳисобига кредиторларнинг талабларини қондириш навбатининг тартибига ўзгартириш киритиш, ўз навбатда, кредиторлар маблағларини қайтариш кафолати бўлиб хизмат қилади.

**Сиддикжон АБДУБАКИЕВ, Феруза ОМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари**

**Qonun ijodkorligi**

## Тадбиркорлар ҳуқуқини кафолатли ҳимоя қилиш йўлида

бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилмоқда

моғи зарур.

Шунингдек, қонун лойиҳаси билан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги талаблар иккинчи навбатда қондириш кўзда тутилган “Банкротлик тўғрисида”ги қонуннинг 134 ва 183-моддаларига ўзгартиш киритилмоқда.

Ушбу ўзгартиришлар Президентимиз Фармонида белгиланган яна бир ҳуқуқий нормани, яъни иш ҳақи учун тўловлар, алиментлар, шунингдек, фуқароларнинг мол-мулкига етказилган зарар тўлангандан кейин кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талабларини бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги мажбурий тўловлар бўйича талаблар билан мутаносиб равишда қондириш кўзда тутуди.

Гаров билан таъминлан-

Бундан ташқари амалдаги қонуннинг 133-моддасига киритилаётган ўзгартиришлар очик кимовши савдоларда гаровга қўйилган мол-мулк, яъни гаров нарчаси сотилмаган тақдирда, мазкур мол-мулк кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қондириш учун тақлиф этилишини назарда тутуди.

Худди шундай қоида “Гаров тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддасида ҳам келтирилган. Ушбу моддага бинобатан, такрорий кимовши савдоси фақат ошмаган деб топилган тақдирда, гаровга олувчи гаров нарчасини такрорий кимовши савдосидаги бошланғич сотиш нархидан кўпи билан ўн фоиз камайтирган қийматда баҳолаб, ўзида олиб қолишга ҳақлидир.

Шунга кўра, амалдаги

мол-мулкни барча кредиторларга ўларининг талабларини қондириш ҳисобига тақлиф этиш тартиби белгиланган. Ўз навбатида, кредиторлар мол-мулкни қабул қилишни рад этганда, қонуннинг 143-моддасида сотилмаган мол-мулкни маҳаллий ҳокимият органларига бериш тартиби белгилаб қўйилган.

Қолаверса, маҳаллий ҳокимият органлари балансида берилган мол-мулкни сотиш тартиби “Давлат таъини, такрорий кимовши савдоси фақат ошмаган деб топилган тақдирда, гаровга олувчи гаров нарчасини такрорий кимовши савдосидаги бошланғич сотиш нархидан кўпи билан ўн фоиз камайтирган қийматда баҳолаб, ўзида олиб қолишга ҳақлидир.

Шунга кўра, амалдаги

**Истиқдолнинг ўтган даврида мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, уни фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қиладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинганлиги ҳар биримиз гувоҳимиз.**

Айтиш керакки, амалдаги “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида “Суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этилиши

**Mezon**

## Жазонинг муқаррарлиги амалда тўлиқ таъминланмоқда

шарт” дея қатъий белгилаб қўйилган. Кўриниб турибдики, суд қабул қилган ҳужжатларнинг ижросини таъминлашдан бўйин товлаш ёки ижро этилишига тўсиқлик қилиш тегишли ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Бироқ ҳаётда суд ҳужжатларининг ижросини таъминлашга масъулиятсизлик билан қарайдиган баъзи кимсалар ҳам учраб туради.

Масалан, жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг 2013 йил 22 октябрдаги ҳукми билан

Н.Ёркулов (исм-шарифлар ўзгартирилган) Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбдор деб топилган. Унга нисбатан ҳар ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат фойдасига ундириш шарт билан икки йил ортиқ муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган. Шунингдек, суд ҳукмида у жазони жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойда ўтатиш қайд этилган.

Аслини айтганда, суд томонидан Н.Ёркуловга озодликдан маҳ-

рум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланиб, унга ахлоқан тузалиб, ҳаётда тўғри йўлни топиб олиши учун имкон берилган эди.

Бироқ Н.Ёркулов қонунларимиздаги бағрикенглик, одилликнинг моҳиятини тушуниб етмади. Суд ҳукми билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини бор-йўғи бир ойгина ўтади, кейин яшаш жойига келмасдан номаълум томонга кетиб қолди.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

## ОЛИШ

фақат суд тартибида амалга оширилади

Чет эл фуқаролари бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган фарзандликка олувчи шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилиниши ёхуд уларга белгиланган тартибда аполитиш қўйилиши керак. Бундай ҳолда тақдим этиладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилига таржима қилинган ва нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Шуни қайд этиш жоизки, судья ишни судда кўришга тайёрлаш

тўғрисида ажрим чиқаради. Фарзандликка олинаётган боланинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида судга ҳулоса тақдим этиш мажбуриятини юклайди. Ўз навбатида, васийлик ва ҳомийлик органи фарзандликка олиш асосли эканлиги тўғрисида ва фарзандликка олинаётган бола-

нинг манфаатларига мувофиқлиги ҳақида ҳулоса тақдим этади. Ушбу ҳулосага фарзандликка олувчиларнинг яшаш шароитларини текшириш даъволатномаси ҳам илова қилинади.

Бундан ташқари даъволатномада Оила кодексининг 152-моддасида назарда тутилган фарзандликка олиш учун тўсиқлар бор-йўқлиги албатта, кўрсатилиши шарт.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари ва прокурорнинг иштирокида кўриб чиқади. Зарур ҳолларда эса, суд фарзандликка олинаётган боланинг ота-онасини, унинг қариндошларини ва

бошқа манфаатдор шахсларни, шунингдек, ўн ёшга тўлган боланинг ўзини ишга қатнашишга жалб этиши мумкин. Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни фақат суднинг ёпиқ мажлисида кўриб чиқади.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинаётган боланинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари фарзандликка олинган боланинг туғилиши ёки дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кундан эътиборан белгиланади. Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч кун ичида ушбу қарордан

кўчирмани фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборади.

Ҳулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, фарзандликка олишнинг суд тартибида амалга оширилиши турли қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиб-гина қолмай, болани соғлом муҳит қарор топган оилага фарзандликка бериш орқали унинг жисмон соғлом, ақлан етук инсон бўлиб камол топишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Жамшид ФАЙЗУЛЛАЕВ, фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг судьяси**

**Фармон ва ижро**

## Иқтисодий юксалишнинг зарур омиллари

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бунинг натижасини жорий йилда тадбиркорлик субъектлари кўпайгани, соҳанинг иқтисодийдаги улуши ўсгани ва, муҳими, тармоқда аҳоли бандлиги ошганида кўриш мумкин. Жумладан, жорий йилнинг ярямида тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли 14,3 мингга яқин янги кичик бизнес субъекти иш бошлади. Кичик бизнеснинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 43,9 фоизни ташкил этиб, иш билан банд бўлган аҳолининг 76,4 фоизи шу секторда фаолият юритмоқда. 2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тизимли асосда амалга ошириш навбатида жорий йил бошидан буён беш юз мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, унинг салмоқли қисми тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

Президентимизнинг юқорида номи қайд этилган фармонига кўра, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига ўларининг расмий веб-сайтларида тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга солувчи ахборотларни жойлаштириш ва уларни доимий равишда янгилаб бориш вазифаси юклатилган.

Бу амалиётда тадбиркорлик субъектларига керакли барча маълумотларни таъминловчиларнинг расмий веб-сайтларидан тезкорлик билан олиш ва ундан унумли фойдаланиш борасида жуда катта қўлайлик яратмоқда. Чунки бундай шаффоқлик бўлган жойда энди тадбиркор идорама-идора юриб вақтини, маблағини со-вурмасдан, ишига унум ва барака киритади.

Тадбиркорларнинг бу имкониятдан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш борасида адлия идоралари уларга зарур ҳуқуқий тушунтириш ишларини олиб бориш билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, тижорат банклари ҳамда бошқа идораларнинг веб-сайтларини ҳам ўрганиб бормоқда. Бу жараёнда, афсуски, фармон талабларига тўлиқ риоя этилмаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Масалан, Сурхондарё вилояти Қизилқум ва Шеробод туманлари ҳокимликларининг расмий веб-сайтлари умуман ташкил этилмаган. Бўжоро вилояти Когон тумани ҳокимлигининг “Когон туманидаги кишлоқ ҳўжалиги ва мелiorатив техникалари, шунингдек, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналари мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги қарори тадбиркорларга бир қатор мажбуриятлар қўйган бўлса-да, бу ҳокимликнинг веб-сайтида жойлаштирилмаган. Самарқанд вилояти Пайариқ тумани ҳокимлигининг расмий веб-сайтидаги маълумотлар сўнги марта жорий йилнинг июнь ойида янги-ланган бўлиб, унда тадбиркорлар билан ўзаро муносабат масалаларини тартибга солувчи ахборотларни жойлаштириш бўйича алоҳида бўлинма ташкил этилмаган.

Фармонда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат бюджетига уларнинг ҳисобварақларидан солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банк хизматлари учун тўловлар ундириш амалиёти бекор қилиниши белгиланган. Бироқ айрим тижорат банклари томонидан ҳўнўзга бундай тўловлар ундириш келинмаётгани аниқланди.

Жумладан, Андижон вилояти Улуғнор туманидаги “Мамажон бува” фермер ҳўжалигидан солиқ органи ҳисоб ракамига 8 миллион 286 минг 300

сўм миқдоридан тўловни ўтказишда “Агробанк”нинг Улуғнор тумани Оқ-олтин филиали томонидан 21 минг 369 сўм банк хизмати учун ҳақ ундирилган. Худди шу каби “Ўзсанoат-қурилишбанк”нинг Тошкент вилояти бошқармаси томонидан Янгийўл туманида фаолият юрсатаётган “Шаҳзодабек ойл плюс” масъулияти чекланган жамиятининг ҳисобварақидан давлат бюджетига солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда жорий йилнинг 15 апрелидан 15 июлигача 700 минг сўмдан зиёд маблағ ноконуний ушлаб қўлинган.

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги “Ёркин юлдуз тимсоли” масъулияти чекланган жамияти томонидан янада солиқ тўлови бўйича пул маблағларини бюджетга ўтказишда Миллий банк Тўрақўрғон тумани филиали томонидан 66 минг сўм банк хизмати учун тўлов ундирилган. Бу каби қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, айбдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортишни таъминлаш мақсадида адлия органлари томонидан тегишли идораларга 90 тақдимнома, 173 огоҳнома ва кўрсатмалар киритилди. Судларга ўнга яқин даъво ариза тақдим этилди.

Умуман айтганда, жорий йилда адлия органлари томонидан тадбиркорлар, шунингдек, хорижий инвесторлар манфаатларини кафолатланган бошқа қонун ҳужжатлари ижро этилиши юзасидан ҳам қўллаб ўрганишлар ўтказилди. Натижада тадбиркорлик субъектларини маъмурий жавобгарликка тортишда 6 мингдан зиёд, уларнинг мувожаат-ларини кўриб чиқишда 1,8 мингга яқин, лицензия ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларини расмийлаштиришда 1,3 мингдан ортик, ер майдонини ажратишда 60 қонунбузилиш ҳолати аниқланди.

Масалан, Фаргона вилояти Учқўприк тумани давлат санитария эпидемиология назорати маркази томонидан “Фермер-2001” фермер ҳўжалигида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи комиссиянинг рухсатсиз текшириш ўтказилган. Ушбу ҳолат бўйича адлия органи томонидан киритилган тақдимномага асосан марказнинг икки нафар бўлинма муdiri-га интизомий жазо берилди.

Андижон вилояти Ҳўжабод туманидаги “Ойбек” хусусий корхонасига унинг бузиб ташланган биноси учун туман ҳокимлиги томонидан етказилган моддий зарар асосида равишда тўлаб берилмаган. Бу ҳақда вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритилгани натижасида туман ҳокимлигидан тадбиркор фойдасига 13,6 миллион сўм ундирилди.

Аниқланган қонунбузилишлар ва уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга 807 тақдимнома, 641 огоҳнома киритилди. Натижада 976 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, улардан 34 нафари эғаллаб турган лавозимидан озод этилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 529 ноконуний қарори бекор қилинди. Тадбиркорлар ва хорижий инвестициялар иштирокида корхоналарнинг манфаатини кўзлаб судларга жами 11,5 миллиард сўмлик 766 даъво ариза киритилди. Айни пайтгача даъволарнинг аксарияти қаноатлантирилиб, тадбиркорлар ҳуқуқлари тўлиқ тикланди.

Иқтисодий таъминнинг таъин-чи, жамиятимизда ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган тадбиркорларнинг манфаатларини қонун ва давлат ҳимоясида. Соҳанинг ривожига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар сўзсиз бартараф этилади.

**Норгул АБДУРАИМОВА, УзА мухбири**



## Э Ў Л О Н !

## Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига хужжат топшириш истагини билдирган фуқаролар Д И Қ Қ А Т И Г А

Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига куйидаги талаблар асосида хужжат топширилади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 29 декабрдаги Ф-3949-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тасвир этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида"ги Низомнинг 8-бандига кўра, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланган номзодлар захирасига тайёрлар кўрган, катта ҳаётий тажрибага, бениқсон обрў-эътиборга эга, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, юридик ихтисослиги бўйича иш стажига камидан беш йил бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари киритилиши мумкин.

Шунингдек, ушбу Низомнинг 4-бўлимига мувофиқ бошқа судьялик лавозимларига номзодини кўрсатиш истагини билдирган шахслар Комиссияга бевосита ёки Умумий юрисдикция судлари судьялари олий малака хайъати орқали ариза ва зарур хужжатларни тақдим этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судлари тизимида 2014 йилнинг 5 сентябрь ҳолатига кўра, куйидаги вакант судьялик лавозимлари мавжуд:

### Ўзбекистон Республикаси Олий суди:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2 нафар раис ўринбосари, 4 нафар судьялик лавозимлари;

### Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди:

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 4 нафар судьялик, округ ва худудий ҳарбий судларининг 5 нафар раислик, 1 нафар раис ўринбосари ва 3 нафар судьялик лавозимлари;

### Қорақалпоғистон Республикаси:

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раисининг ўринбосари, 3 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 4 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг 1 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 1 нафар судьялик лавозимлари;

### Андижон вилояти:

жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди раисининг ўринбосари, туман (шаҳар) судларининг 4 нафар раислик ва 3 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 3 нафар раислик ва 4 нафар судьялик лавозимлари;

### Бухоро вилояти:

жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди раисининг ўринбосари, туман (шаҳар) судларининг 6 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 4 нафар судьялик, туманлараро судларининг 3 нафар раислик ва 4 нафар судьялик лавозимлари;

### Жиззах вилояти:

жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг 1 нафар судьялик, туман судларининг 4 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди раисининг ўринбосари, 2 нафар судьялик, туманлараро судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

### Қашқадарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 1 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2 нафар судьялик, туманлараро судларининг 3 нафар раислик ва 3 нафар судьялик лавозимлари;

### Навоий вилояти:

жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 2 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 3 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 1 нафар судьялик, туманлараро судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

### Наманган вилояти:

жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди раисининг ўринбосари, 2 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

Захирага киритиш тўғрисидаги аризага (таклифга) номзод томонидан шахсан тўлдирилган кадрларни ҳисобга олиш шахсий варағи ва таржимаи ҳол, фотосуратлар, паспорт нусхаси ва баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар илова қилинган нотариал тасдиқланган олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, белгиланган тартибда тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма, соғлиғи тўғрисида маълумотнома, иш жойидан маълумот-тавсифнома, идора номидан тавсия, фикрномалар (камида учта) илова қилинади.

**Судьялик лавозими захирасига хужжат топшириш истагини билдирган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳамда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят судлари Судьялар малака хайъатига мувожаат этишлари мумкин.**

## Mas'uliyat va majburiyat

# Ҳужжатлар ижросини таъминлаш

## ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилишнинг муҳим омилидир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан, Сайёра Пулатовани ўзига тегишли бўлган ва ҳозирда жавобгар — турмуш ўртоғи Мурод Раупов истиқомат қилаётган Миробод тумани, А.Фитрат кўчаси, 30-уй, 23-хонадонга вояга етмаган икки нафар фарзанди билан бирга киритиб қўйилиши белгиланган.

Бироқ жавобгар М.Раупов суд қарорини ўз ихтиёри билан бажармаганлиги учун "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонун ва бошқа меъриё-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, С.Пулатова икки нафар вояга етмаган фарзанди билан ўзига тегишли хонадонга маҳалла фуқаролари йиғини фаоллари билан ҳамкорликда киритиб қўйилди.

Шу ўринда яна бир мисолга эътибор қаратайлик. Умида Эгамбердиева фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига даъво аризаси билан мувожаат қилиб, вояга етмаган фарзанди таъминоти учун собиқ турмуш ўртоғи Икром Эгамбердиевдан алимент ундириб беришни сўраган.

Суд ишни кўриб чиқиб, Икром Эгамбердиевдан 2013 йил 11 апрелда туғилган фарзанди Шаҳзода Икром қизининг таъминоти учун вояга етгунга қадар ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларидан алимент ундириш ҳақида суд буйруғи чиқарди.

Шунингдек, ушбу суд буйруғида И.Эгамбердиевдан давлат фойдасига 98 минг 233 сўм давлат божи ундирилиши ҳам қайд этилди.

Айтиш керакки, ушбу суд буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида қардор Икром Эгамбердиев туман суд ижрочилари бўлимига бир неча бор чакиртилганига қарамай, ўз ихтиёри билан келмади. Шундан сўнг белгиланган тартибга мувофиқ И.Эгамбердиев туман Суд ижрочилари бўлимига мажбурий тартибда келтирилди ва суд буйруғининг ижроси тўлиқ таъминланди. Зотан, Оила кодексининг 96-моддасида "ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт"лиги ва "вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда ба-

жармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилиши" белгилаб қўйилган.

Яна бир мисол. Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг суд буйруғига асосан, Абдусаттор Мадисаевдан вояга етмаган фарзанди, 2006 йил 1 июнда туғилган Абдусамат Абдусаттор ўғлининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. Буни қарангки, А.Мадисаев суд ижрочилари томонидан бир неча марта оғохлантирилганига қарамай суд буйруғининг ижросини ихтиёрий равишда таъминламаган. Шундан сўнг суд ижрочилари бўлими томонидан кўрилган қонуний чоралар натижасида ундирувчи Мадина Эшимбетовага ўтган давр мобайнида тўланмаган алимент пуллари тўлиқ ундириб берилди.

Айтиш керакки, туманимиз ижро бўлими ходимлари томонидан суд қарорига кўра, вояга етмаган фарзандлари учун белгиланган миқдордаги алимент тўловларини ўз вақтида ихтиёрий равишда амалга оширмаган шахсларга нисбатан амалдаги қонун талабларидан келиб чиқиб, тегишли чоралар қўлланилмоқда. Чунончи, алимент ундириш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори ёхуд буйруғи мавжуд бўлса-да, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаган, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами уч ойдан ортқ муддат мобайнида тўламаган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилмоқда.

Хулоса ўрнида шунга таъкидлаш жоизки, суд қарорларининг ижросини таъминлаш юртимизда қонун устуворлигини таъминлабгина қолмай, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилидир.

**Отамурод ИСМОИЛОВ,**  
Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси Миробод туман бўлими катта суд ижрочиси вазифасини вақтинча бажарувчиси

## Mezon

# Жазонинг муқаррарлиги

## амалда тўлиқ таъминланмоқда

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Оқ олтин туман ички ишлар бўлими томонидан судга Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддаси 3-қисми талаби асосида Н.Ёркуловнинг айни дамда қаерда эканлиги номалумлиги, маҳкуми судда ҳозир бўлишини таъминлаш имконияти йўқлиги, шунинг учун ишнинг иштирокисиз кўриш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш, ўталмай қолган икки йил беш ой ахлоқ тузатиш иши жазосини озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш ҳақида тақдимнома киритилди.

Айтиш керакки, Жиноят кодексининг 46-моддаси 4-қисмида "Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишларининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпрогини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталма-



ган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тартиқсизда жазо билан алмаштиради" дея қайд этилган.

Суд қонунининг ушбу талабидан келиб чиқиб, туман ички ишлар бўлими томонидан киритилган тақдимномани қаноатлантириш ҳақида ажрим чиқарди. Яъни суд томонидан Жиноят кодексининг 46-моддасига асосан маҳкум Н. Ёркуловнинг ўталмай қолган икки йил беш ой ахлоқ тузатиш иши жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилди.

Хулоса ўрнида айтганда, қонун талаби қатъий. Конституциямизнинг 114-

моддасида белгилаб қўйилганидек, суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Унинг ижросини таъминлашдан бўйин товлаш жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.


### Сардор СУВОНОВ,

жиноят ишлари бўйича Оқолтин туман судининг девонхона мудири.  
**Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
"Куч — адолатда" муҳбири

## G'aroyib olam

Маълумки, азал-азалдан одамлар олис йўл машаққатини енгиш, ўзларига қулайлик яратиш мақсадида турли хил чора-тадбирлар излашган. Шу эҳтиёж тўғрисида пайдо бўлган гаройиб иншоот, яъни кўприк аста-секин узоқни яқин қилиш воситасига айланган. Дастлаб кўприклар ибтидоий тарзда, яъни дарахт шох-шаббалари ва ёвочдан қўлбола усулда қурилган бўлса, кейинчалик тошлардан барпо этилган.

# Биз билган ва билмаган дунё дунёнинг энг йирик кўприклари



Ўрта асрларга келиб маҳобатли аркли, харсанг кўприклар қуриш урфга айланган. Катта дарёлардан ўтишда эса, сузувчи кўприклардан фойдаланилган. Аслида дунёдаги илк мустаҳкам кўприклар 1779 йилда Англияда чўяндан барпо этилган. Кейинчалик осма кўприклар 1796 йил Америкада, сўнгра Англияда қурилган. XX аср бошларига келиб кўприк қурилишида темир-бетондан асосий хом-ашё сифатида кенг фойдаланила бошланган.

Хусусан, дунёдаги энг узун ва улкан Акаши-Кайкио кўпригининг устунлари орасидаги масофа 199 метрни ташкил этади. Япониянинг Авадзи ва Хонсю оролларини боғлаб турган ушбу кўприкни қуришга 1955 йилда содир бўлган бахтсиз воқеа сабаб бўлган. Ўша пайтда икки орол ўртасида усти очик ва ёғочлардан бирлаштирилиб қурилган паромлар қатнари эди. Каттик тўфон пайтида бундай паромлардан бири ағдарилди ва 150 нафардан зиёд одам қурбон бўлди. Ачинарлиси, уларнинг кўприкни болалар эди. Шундан сўнг ушбу кўприкни барпо этишга киришилди. Очиги, бу кўприкни қуриш ҳам жуда оғир кечган. Нихоят, беш миллиард долларга баҳоланган лойиҳа 12 йилда амалга оширилган ва меъморлар 1997 йилга келиб кўприкни ишга туширишга муваффақ бўлишди.

Шуни айтиш жоизки, мазкур кўприк Япония оқимига хос бўлган 8,5 баллик зилзилага ва қаттиқ довулга дош бера олади. Кўприкнинг умумий узунлиги 3911 метр, баландлиги 65 метрни ташкил этади.

Канадада эса, музлаган сув устига қурилган энг йирик Конфедерация кўприги мавжуд. Маълумотларга кўра, XIX асрнинг иккинчи ярмида Шаҳзода Эдуард ороли Канадага қўшилиши муносабати билан ҳукумат орол аҳолисиغا Канада билан боғлайдиган кўприк қуришга ваъда беради. Аммо уларнинг бу ваъдаси факатгина 1997 йилга келиб, орадан роп-роса 124 йил ўтгандан кейингина амалга ошади.

**Интернет материаллари асосида Шахло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.**

## Куч — АДОЛАТДА

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди

Бош муҳаррир:  
Шодикул ХАМРОЕВ

Газета 2007 йил  
23 февралда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0224-рақам  
билан рўйхатдан ўтган.



## ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ  
Мавжуда РАЖАБОВА  
Кўчкор ТОҒАЕВ  
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ  
Замира ЭСОНОВА  
Холмуҳин ЁДГОРОВ  
Ғайрат ХИДОЯТОВ

## Навбатчи муҳаррир:

Сардор  
ХАМРОЕВ  
Саҳифаловчи:  
Шерзод  
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона маъноси: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзиллими: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.  
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru  
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-922. Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8711.  
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20<sup>00</sup> Топширилди: 21<sup>00</sup>